

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

АСЛИ ДУНЁ МЕЪРДАН ЯРАЛГАН

ТОШКЕНТ-2004

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

2004 ЙИЛ - «МЕЪР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ»

Мурувват асли не мурувват бир йўл,
Бир йўлки, манзили юрак бўлади.
Хаста бир кўнгилни шод этганинг он
Мурувват энг олий неъмат бўлади
О.Очилова

АСЛИ ДУНЁ МЕЪРДАН ЯРАЛГАН

Методик-библиографик кўлланма

ТОШКЕНТ-2004

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: М.Матмурадова
Муҳаррир: Х.Маматраимова
Масъул муҳаррир: А.Турсунов
Матн терувчи: З.Джалилова

2004 йил – «Меҳр ва мурувват йили»га бағишланган ушбу методик-библиографик кўлланма меҳр-мурувват, ватанпарварлик, инсонпарварлик, хайр-эҳсон, меҳр-шафқат ҳақидаги кизиқарли манбалар, меҳр-мурувват, савоб, хайр-эҳсон ҳақида «Авесто», «Ҳадис» даги мақоллар, мутафаккир ва буюк алломаларимизнинг фикрлари, шунингдек, меҳр-мурувват йилига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар туркуми ва уларни ўтказиш бўйича методик маслаҳатлар берилган.

МУЌАДДИМА

«Меър ва мурувват» деганда биз аввало, жамиятимизда меър-шафқатга мућтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз.

И.Каримов

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Мана неча йилдирки, ҳар янги йил юртимизга янги бир хайрли ном билан кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2004 йил «Меър ва мурувват йили» деб эълон қилинди.

Бу борада қабул қилинган «Меър ва мурувват йили» давлат дастури тўғрисидаги қарор республика-мизда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, мућтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, оила ва инсонларга кўмак бериш, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий негизини такомиллаштириш, ногиронларга, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам ва кўмак бериш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг меър ва мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъулиятини кучайтириш, ногиронларни, боқувчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлашга доир аниқ чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга қаратилган.

Конституциямизнинг 39,45 ва 64 моддаларида, Вазирлар Маъкамасининг қарор ва фармонларида меънатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексаларни, етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, ногиронларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари қонун йўли билан юксак даражада кафолатланган.

Давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ногирон, етим-есирлар, бева-бечоралар, ёлғиз қарияларимизга эътибор бутун йил мобайнида қилинадиган ишларнинг бош мезони, устувор, марказий вазифаларга айланаётгани бутун халқимизни қувонтирмоқда.

«Меҳр ва мурувват йили» нинг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, ногирон, ёлғиз кексалар, етим-есирлар, бева-бечоралар, кам таъминланган оила ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам бериш каби ишларни бажариш лозимдир. Шунингдек, улғайиб келаётган авлод онгига меҳр-мурувват тушунчасини сингдириш ва уларнинг феъл-атворида раҳм-шафқат туйғусининг устувор бўлиши таъминланиши керак.

Республикамизда мутафаккир ва буюк алломалар, шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган меҳр ва мурувват ғояларини ўзига сингдирган ахлоқ, тарбия масалалари, ватанга меҳр, халқпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, хайр-эҳсон, саховатпешалик, меҳр-мурувват маданиятини шакллантириш борасидаги урф-одатлар, миллий ва анъанавий қадриятларни эъзозлашга доир бир қатор рисоалар кутубхоналар жамғармасидан ўрин олган.

Шунингдек, меҳр-мурувват, хайр-эҳсон, мурувватпешалик, саховатпешалик ҳақида мақолалар ҳам чоп этилган. Вақтли матбуотлар саҳифаларида шеърлар, ривоятлар, ҳикоялар ҳам берилиб борилмоқда.

Мавжуд рисолалар ва мақолалар кутубхона каталог ва картотекаларида акс эттирилган.

Кутубхоналарнинг вазифаси меҳр-мурувват, хайр-эҳсон, инсонпарварлик ғоялари акс этган бадиий, тарихий, педагогик ва урф-одатлар, қадриятлар, одоб-ахлоқ, панд-насиҳатга оид асарларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ва китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар тарғиботнинг илмий-амалий семинар, илмий-амалий конференциялар, учрашув ва савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, шеърхонлик беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, адабий бадиий мусиқали кечалар, китоб кўргазмалари сингари турли-туман шакл ва усулларида фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини китобхонларга тушунарли шаклда етказиб бера оладиган диншунослар, тарихчилар, файласуфлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, адабиётшунослар, санъаткорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилиш мумкин.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Маҳалла», «Нуроний», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Сен ёлғиз эмассан», «Наврўз», «Оила тиббиёт маркази», «Ногиронлар», «Меҳрибонлик», «Ногиронларга ижтимоий ёрдам», «Кўзи ожизлар», «Кар-соқовлар», «Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой» жамиятлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Истеъдод» жамғармаси, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамғармалар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш тавсия қилинади.

Ушбу методик-библиографик кўлланманинг мақсади меҳр ва мурувват тўғрисидаги маълумотларни, ахборот материалларини китобхонларга етказиш, тарғиб ва тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам беришдир.

Бу методик-библиографик кўлланмада «Меҳр ва мурувват йили»га бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Меҳр-мурувват – инсон гултожи

Мурувват асли не –мурувват бир гул,
Бир гулки, боғбони меҳр бўлади.
Қай дилга бу гулнинг бўйи бегона,
Унинг дунёсида дунё куяди.

О.Очилова

Меҳр-мурувват халқимизнинг қадимий қадриятларидан. Ҳар бир виждонли, диёнатли одам қалбида у яшаган ва яшаб келмоқда. Меҳр-мурувват олий фазилат сифатида инсонлар қалбида узок умр кўриб олқишларга сазовор бўлган.

Меҳр ва мурувват – улуғ тушунча. Унинг заминида бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлилик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, оила манфаатлари, ёшлар тарбияси сингари қатор фазилатлар мужассамдир.

Ҳар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият ҳамда қадриятлар тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий тузумнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос ватанпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик, яхшилик қилишга иштиёқмандлик, меҳр-

шафқат, меҳр-мурувват кўрсатиш каби улуг ғоялар бўлган.

Жумладан: ўз мазмуни, моҳиятига кўра якка худолик, инсонийлик, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, юртпарварлик ғояларини тараннум этиб, одамзод аҳлини бунёдкорлик, яратувчиликка ундаган муқаддас «Авесто» олис тарихимизнинг асл дурдона асарларидандир.

«Авесто»даги бош маъбуда – эзгулик, ёруғлик, яхшилик, бахт-икбол худоси Аҳурамазда билан ёмонлик, ёвузлик, қоронғулик, разолат тимсоли – Аҳриман ўртасидаги доимий муросасиз кураш ғояси зардуштийлик (оташпарастилик) динининг асосий мазмунини ташкил қилади. Зардушт пайғамбар сифатида Аҳурамазда тилидан ваҳий қилинган муқаддас каломларни, насиҳатлар ва оятларни халққа, одамларга етказишга даъват эткувчидир. Шунингдек, зардуштийлик таълимотига кўра, доимий фароғатли ҳаёт инсон учун узоқ нотаниш ҳаёлий жаннат эмас, балки инсонлар яшайдиган шу тириклик дунёсида бўлади. Бу мақсад маррага етиш учун эса одамлар ҳалол ва берилиб меҳнат қилиши, яхшилик ва хайрли иш қилишлари кераклиги кўрсатилгандир.

Ислом динида «Қуръон» ва «Ҳадис» унинг ғояларини мужассам этган муқаддас манбалар ҳисобланади. Уларда одамларни ягона Оллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга эътиқод қилишга чорлаш билан бир қаторда, ҳурлик, озодлик, тенглик, яхшилик, сахийлик, мурувват, шафқат, илмли, меҳнатсевар бўлишга даъват этувчи ғоялар тарғиб этилади.

Қуръони Каримда нуфузли киши одобини тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. У «албатта муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар итоатгўй

эркаклар ва итоатгўй аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабр-қаноат қилгувчи эркаклар ва сабр-қаноат қилгувчи аёллар, тавозуъли эркаклар ва тавозуъли аёллар, хайр-садақа қилгувчи эркаклар ва хайр-садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақлагувчи эркаклар ва авратларини (ҳаромдан) сақлагувчи аёллар, Оллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Оллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар улар учун Оллоҳ мағфират ва улуғ мукофот (яъни жаннат) тайёрлаб кўйгандир» («Аҳзоб» сураси 35 оят).

Шарқона ахлоқ-одоб доирасида имон энг муҳим маънавий қадрият ҳисобланади. Имон инсонпарварлик асосида вужудга келади. Инсонпарварлик негизида илм-маърифат эгаси бўлиш, бир-бирига ўзаро ёрдам, тўғрилиқ, яхшилик қилиш, аҳдга вафо, ҳалоллик, покизалиқ каби юксак маънавий фазилатлар ётади.

Имон талаблари ахлоқий-маънавий қоидалар, чунончи, ота-онага ҳурмат, меҳр-оқибат инсонийликнинг муҳим мезонларидан биридир. «Қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруғга, етим-мискинларга ва йўловчи мусофирларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз Оллоҳ уни билгувчидир» («Бақара» сураси 215 оят).

IX-XV асрлар Марказий Осиё маънавий маданияти ривожига муҳим давр ҳисобланади. Шу боис фалсафа, тарих, педагогика ва бошқа соҳалардаги олимлар бу давр маданий мероси ҳақида қатор илмий-тадқиқот ишларини яратдилар. Қатор мутафаккирлар инсонпарварлик, эл-юрт, ватан, яхшилик ва эзгулик, хайр-эҳсон, дўстлик, ўзаро ёрдам каби ғоялар акс эттирилган дурдона асарлар яратдилар.

Жумладан, инсонпарварликнинг халқ ичида кенг ёйилган кўриниши одамгарчилик бўлиб, Абу Райҳон Беруний фикрича, одамгарчилик (мурувват) кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чегараланади. Мардлик эса (футувват) ундан ҳам устун бўлиб, ўздан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, камтаринлиги туфайли танилиб, гарчи у шу мартабага, унинг аҳлидан бўлмаса ҳам олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатдан эмас, балки одамгарчилик жиҳатидан ҳақли равишда ҳурмат қилинади*. Инсонпарварлик қадрияти мазмунида мусибатли кишига ҳамдард бўлиш, муҳтожларга, кексаларга, аёлмандларга ёрдам бериш, ҳожатбарорлик қилиш, андишалилик, вазминлик самимийлик, камтарлик каби юксак фазилатлар ётади.

Соҳибқирон Амир Темур саъй-ҳаракатлари билан мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, равоту карвонсаройлар, кўприклар, сув ҳавзалари ва бошқа иншоотлар бунёд этилди. Амир Темур замонида ёзилган асарларни кунт билан ўқисак, ўргансак, унинг кўп яхши хислатлари: тўғрилиқ, мурувватлилик, эл-юртига меҳр-муҳаббат ва бошқаларни билиб олишимиз мумкин.

Мутафаккир Абдураҳмон Жомий ўзининг «Хирадномаи Искандарий» («Искандар ақлномаси») асарида эл-улус дарди билан яшовчи, унинг арзу-додига қулоқ тутувчи ҳукмдор сиймосини яратади. Ҳукмдор адолатли ва одил бўлиши лозим деб, одиллик ва адолатни нурга ўхшатади.

* Абу Райҳон Беруний. Ўйлар, фикратлар, нақллар, шеърлар.-Т.: Ёш гвардия, 1973.-Б.54.

Агар чикса адолатнинг кўеши,
Таралгай ҳар томон нури зиёси.
Агар зулм этса золим, бу ситамдан,
Жаҳон бўлган қаро, йўқ интиҳоси.

деб хитоб қилади.

Абдураҳмон Жомий эл-улусга, инсонга яхшилик қилиш, уларга нисбатан мурувват кўрсатиш инсон номини улуғлайди, деб шоҳларни ҳукмдорларни шунга чақиради.

Эй тожу муҳрга кўнгил боғлаган,
Қачонгача тожу муҳр қолади?
Мулку бойлик бари кетади бир кун
На замон, на замин, на наҳр қолади.
Қўлингдан келганча яхшилик қилгил
Жаҳонда сенга шул меҳр қолади...

- деб ёзган.

Ўзбек адабиётининг асосчиси, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижодида меҳр ва мурувват ғояларини ўзига сингдирган ахлоқий тарбия масалалари катта ўрин тутди.

Мутафаккир ўз асарларида золим, мустабид, нодон, маишатпараст шоҳ ва ҳукмдорларни қоралаб, уларга қарши инсонпарвар, халқпарвар, одил, адолатли ҳукмдор образини кўяди:

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Келтирилган мазкур байт Алишер Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг бош мезони десак, ҳеч янглишмаймиз. Шоир бутун умри бўйи инсонпарварликни, одамийликни қуйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш бу буюк сиймо ҳаётининг мазмуни бўлган. Навоий саховат ва мурувватда беназир инсон бўлган. У

Ўзининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келган даромадларини тўлалигича хайрия ишларига сарфлаган. Ўзининг жамғармаси ҳисобидан канчадан-канча бинолар, иншоотлар барпо этган. Инжил каналининг жануб томонида катта тиббиёт ўқув юрти ва шифохона барпо эттирган, уларга таниқли табиб ва доришуносларни жалб этган. Ихлосия мадрасаси ёнида катта сарой қурдириб, ундаги меҳмонхонада камбағал бева-бечораларни текин овқат билан таъминлаган. Муһтож кишиларга ҳар йили икки минг пўстин ва кийим-кечак тарқатган. Бундан ташқари канал қаздириб, Машһад шаһрига сув келтирган.

Ўрта Осиё алломаларининг илғор ғоялари XVIII-XIX асрларда яшаб, ижод қилган маърифатпарварларнинг асарларида янада бойитилди. Мунис Хоразмининг кўпгина асарлари меһр-мурувват ғояларини улуғлашга бағишланган бўлса, XI асрнинг машһур адабий ёдгорликларидан бири бўлмиш «Қобуснома» нинг Огаһий томонидан форсчадан ўзбек тилига таржима қилингани халқимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Бердақ ижодида тенглик, маърифат, инсонпарварлик ва меһр-мурувват, адолат ва ватанпарварлик фазилатларини улуғлаш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бердақ ахлоқий қарашларининг яна бир муһим томони – кишиларни ҳурмат қилиш, айниқса, қарилар, заиф ва ногиронлар, камбағал ва бева-бечораларни иззат нафсига тегмаслик, уларга иложи борича ёрдам кўрсатишдир.

Марказий Осиё халқларининг мурувват маданиятини ривожлантиришга кейинчалик Убайдулла Завқий, Абдуқодир Шақурий, Абдулла Авлоний,

Садриддин Айний сингари адиблар баракали ҳисса кўшдилар.

Раҳм-шафқатли шахсни тарбиялаш ғояси инсоннинг ҳам миллий, ҳам умуминсоний кадриятларни эгаллаш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлишга доимий интилишини ўзида мужассам этади.

Меҳр-мурувват – миллий мустақиллик ғоясининг инсонпарварлик тамойилларида кўзланган асосий йўналишдир.

Меҳр-мурувват – халқимизнинг, жамиятимизнинг хоҳиш-иродасини, давлатимиз сиёсатининг моҳияти ва мазмунини ифодалайди. Бу – халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган анъаналарига, муборак динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий кадриятларга садоқатни сақлаган ҳолда тараққиётимизнинг ўзимиз танлаган йўлидан изчил боришимизни англатади.

Президентимиз Ислом Каримов ва Ўзбекистон давлатининг энг улуғвор ва инсонпарварлик ғояларидан бири – ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Инсон туғилган экан, у яшаши керак. Яшаш учун тинчлик зарур. Давлатимизнинг тинчлик сиёсати инсонпарварлик сиёсати мазмуни билан йўғрилган.

Ўзбекистон давлатининг экологик сиёсати ҳам инсонпарварлик мазмуни билан боғланган. Экология бузилар экан, инсон саломатлиги ёмонлашади. Инсон носоғлом экан, бу жамиятдаги носоғломликни келтириб чиқаради. Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» дастурининг илгари сурилганлиги инсонпарварликка қаратилган катта ташаббусдир.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан ажралиб туради. Бу ҳақда Ислом

Каримов шундай ёзади: «Шу кўнна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, имон, мардлик, танглик, бағри кенглик каби улуг хислатлар бу муборак ҳужжатда муносиб ўрин олган». Ушбу тарихий ҳужжатда инсонпарварлик ўз ифодасини тўла топган. Жумладан: «39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас». Давлатимизнинг аосий қонуни ўзининг инсонпарварлик қафолати устуворлиги туфайли халқ олдида катта обрў-эътиборга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган ислоҳотларнинг муҳим тамойилидан бири ижтимоий сиёсатга қаратилгани билан ажралиб туради.

Тозирги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар шунчаки ислоҳот учун эмас, айнан инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади.

Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш халқ фаровонлиги, инсонпарварлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти гаровидир.

Бу тўғрисида Ислам Каримов шундай ёзади: «Ислоҳотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири – аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза қилиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишида ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир». Бу

ерда Президентимизнинг инсонпарварлик фазилати намоён бўлган.

Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (1991 йил) қабул қилиниб, муҳтож одамларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг миллий моделини шакллантиришга асос солинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» тўғрисидаги 433-сонли қарорининг «Ногиронларни ўқитиш ва ҳаётга йўналтириш» бўлимида «Ногирон болаларни касбга йўналтириш, уйда ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва жорий қилиш деган жумла алоҳида банд қилиб киритилган.

Шунингдек, «Уй-жойларни хусусийлаштириш муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга оид кўшимча тадбирлар тўғрисида» (1992), «Саломатлигига кўра ёки ёши етганлиги сабабли пенсияга чиққанлиги муносабати билан раҳбар ходимларни моддий ва маиший жиҳатдан таъминлаш масалаларига оид қарорларни бекор қилиш тўғрисида» (1992), «Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар тўғрисида» (1999), «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (1999), «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» (1999), «Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида» (2000), «Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» (2002)ги қарор ва фармонларнинг мазмуни ва моҳияти инсонпарварлик фазилатларининг намоён бўлишидан иборатдир.

Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 22-24 моддаларида етим болалар ва ота-онасининг ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни; жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни; ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ўқитиш борасида таълим ҳамда васийлик органларининг бурч ва вазифалари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси болаларнинг, ўзгалар ёрдамига муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тааллуқли асосий халқаро шартномалар, пакетлар, декларациялар ва конвенцияларга қўшилган ҳамда ўз сиёсатини ана шу ҳужжатларга мувофиқ амалга оширмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний ва ақлий жиҳатдан нуқсони бор болалар ўқийдиган махсус таълим муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда 120 тага яқин махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 87 таси турли ногиронликларга чалинган болаларга мўлжалланган бўлиб, уларда 23 минг нафардан ортиқ бола мунтазам таълим олмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 34 та саховат ва мурувват уйлари ҳамда 28 та меҳрибонлик уйлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз кам таъминланган оилаларга, ногиронларга бекиёс ғамхўрлик қилмоқда. Ҳар йил

«Наврўз», «Мустақиллик» байрамларида, «Ҳайит» айёмларида ногиронлар ёдга олинади, меҳр-мурувват уйлари, меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларида совға-саломлар улашилади. Ҳар йили 3 декабрь халқаро миқёсда ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ғимоя қилиш куни сифатида юртимизда ҳам кенг нишонланмоқда.

Кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, хайр-эҳсонларнинг туб мазмун ва моҳиятининг негизида инсонпарварлик ғояси ётади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1997 йилни «Инсон манфаатлари», 1998 йилни «Оила», 1999 йилни «Аёллар», 2000 йилни «Соғлом авлод», 2001 йилни «Оналар ва болалар», 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш», 2003 йилни «Обод маҳалла», 2004 йилни «Меҳр ва мурувват» йили деб белгиланишида ҳам чуқур инсонпарварлик маъноси ётади.

«Меҳр ва мурувват йили»нинг тарихий асослари, унинг оила мустақамлиги ва юксак ахлоқ сифатидаги қадрияти, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда бу туйғунинг ўрни ва роли, саховатпешалик ва сахийликнинг миллий мерос сифатидаги моҳияти, уни турмуш тарзимизга яна ҳам чуқурроқ кириб бориши тажрибаларидан фойдаланишимиз лозимдир.

Шунингдек, ҳар бир фуқарода ота-бобо ларимиздан мерос бўлиб келаётган, халқимизнинг қалбидан чуқур ўрин олган, қон-қонимизга сингиб кетган меҳр-мурувват тамойилларининг намоён этилиши ҳаёт мазмунига, таъбир жоиз бўлса, одат тусига айланишига эришмоғимиз лозим.

**Меър ва мурувват, меър-шафкат, хайр-эҳсон, савоб,
яхшилик ва эзгулик ҳақида**

«Авесто»дан:

Яхшилик ва эзгулик яратиш учун меҳнат қилиш,
ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиш лозим.

* * *

Яхши фикр илоҳий қонун руҳидаги, яқин
кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар
остида қолганда қўмаклашишга шайлик, ёвузликка
қарши, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга
шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош
биродарлари билан дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашга
интилишда руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги
тушунилади.

* * *

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй,
эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бари эзгу
ўйларга, эзгу сўзлар (айтиши)га, яхшилик ишлар
амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон
сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман.

* * *

Топинчим ва мактовларим, эзгу фикрим ва
сўзим, (савобли) ишларим танамдаги жоним билан
бирга Сизларга бўлсин, ўлим билмас Валийлар.

Ҳадисдан:

Бир-бирларимизга хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, кўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларимиздан ғиллу ғашлик кетади.

* * *

Кишининг саховати – унинг динидир.
Муруввати, ақли, насиби эса унинг хулқидир.

* * *

Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди.

* * *

Хайру эҳсонни бечораҳолга берилиши – садақа ҳисобланса, уни қариндошга бўлишлик ҳам садақа, ҳам мурувватдир.

* * *

Қариндошларга мурувват қилиш хушхулқлик ва яхши қўшничилик – юртни обод ва умрни зиёда этади.

* * *

Қариндошнинг қариндошга қилган садақаси – ҳам садақа, ҳам қариндошлик муруввати ҳукмидадир.

Ҳазрат Али Ҳикматлари ва насиҳатларидан:

Саховат кўрсатганда чеҳрада кўринган латофат худо берган иккинчи меҳрибонликдир.

* * *

Хайр-эҳсонни ўз ўрнида қилмаслик зулмга киради.

* * *

Муруввати бўлмаган кишининг дини ҳам бўлмайди.

* * *

Хайр-эҳсони туфайли эр киши ўз қавмини бошқаради.

Ҳикматлардан:

Барча камчиликлардан қатъий назар, одамлар ҳар нарсадан қўра қўпроқ меҳрга лойиқ.

* * *

Қариганда орттириладиган энг яхши бойлик – бу яқин кишиларнинг муҳаббатига, меҳрига сазовор бўлишдир.

* * *

Кексаларнинг инсоний заифликларига нисбатан мурувватли бўлинг.

Ўзбек халқ мақолларидан:

Дўстингга қўшиқ айт,
Меҳрингни қўшиб айт.

* * *

Кўз қаерда бўлса,
Меҳр ҳам ўша ерда.

* * *

Меҳр билмас қариндошдан,
Меҳр билган ёт яхши.

* * *

Меҳр – гул, кáҳр – тикан

* * *

Меҳр хазинаси тил

* * *

Меҳри борнинг сеҳри бор

* * *

Меҳрли одам севимли.

* * *

Мурувват – меҳрнинг тузоғи.

* * *

Кўшни оши кóрин тўйдирмас,
Меҳр окибатни оширар.

Алломалардан:

Саховатли (киши) бугдой сотиб олмайди,
яхшиликни харид килади.

* * *

Инсон эҳсони билан, эҳсон султони билан,
султон замони билан, замон имкони билан, имкон эса
маконини белгилаб бериши билан.

* * *

Саховатни кўп тақдирлаган киши карамлидир,
динорни кам йиққан киши буюқдир.

* * *

Саховат қилган киши чарчамайди, бахиллик қилган эса ҳеч роҳатланмайди.

* * *

Эҳсон эшиги унга киришни хоҳлаганлар учун очикдир, мурувват қилишни хоҳлаган киши учун унинг иҳота қилинган жойи бемалолдир.

Ал-Хоразмий

Кимники кўлидан хайр-баракали ва пурфикмат ишлар келмаса, унинг насабининг шарифлиги-ю, улуғлиги фойда келтирмас.

Аз-Замахшарий

Одам боласи ўлиб кетади, агар яхшилик қилган бўлса яхши номи қолади.

М.Қошғарий

Сахийлик – кишининг айбини ювур.
Сахий бўл сенга ҳеч сўкинч келмасун,
Сўкинч келар йўлни саховат тиюр.
Эгилмас кўнгилни сахий эр агар,
Етилмас муродга сахий эр етар.

Аҳмад Югнакий

Агар душманинг бош уриб паноҳинга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат.

* * *

Душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрсаю яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшир.

* * *

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз
ёмонларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган
бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват,
эҳсон, иззату иқром кўрсатдим.

Амир Темур

Мурувват – борга бермакдур, емак йўк,
Футувват – борга қилмакдур, демак йўк.

* * *

Меҳмоннинг меҳрин асрағил жон ичра,
Неъмат қалин айла хони эҳсон ичра.

* * *

Карам ва мурувват ота-оналардир, вафо ва ҳаё
икки эгизак фарзанд. У икковида ҳар қанча равшанлик
билан софлик бўлса, бу икковида шунчалик жинслашиш
ва бирикиш юз берур.

Алишер Навоий

... Ҳотам агар қуфр ила топти ҳаёт,
Топти саховат била охир мамот...

... Чунки саховат била бўлди мудом,
Ҳақ анча дўзах ўтини этди ҳаром.

Хожа

Хайрия ҳеч маҳал беиз кемайди, пинҳона
қолмайди. Уни кўпчилик билмаса-да Аллоҳ Таоло
доимо кўриб ва билиб туради. Ва унга қўл урганни ўз
марҳаматидан баҳраманд этади.

Фозил Ҳожи Зоҳидов

«Меҳр ва мурувват - олий кадрият»

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни «Меҳр ва мурувват», ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, мурувват ва оқибат, сахийлик, саховат, диёнат, меҳрибонлик, раҳм-шафқат, хайр-эҳсон ҳақида ёзилган асарларни, давлатимизнинг асосий қонуни, қарори, фармонларида акс эттирилаётган инсонпарварликка доир манбаларни юқори ўқилиши орқали кизиқишини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, аспирантлар, ишчилар, маҳаллалараро маҳалладошлар, кутубхоначилар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра шу саволлардан айримлари танлаб олинади ва ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Кутубхоналарда бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак.

Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини мустақиллик йилларидаги қонун ва фармонлар, меҳр ва мурувват ҳақида ёзилган асарларга, ҳадисларга, ҳикматлар, ҳикоятлар, хайр-эҳсон, саховатпешалик, ахлоқ-одоб, урф-одатларимиз, кадриятларимиз, қўни-қўшничилик мавзусидаги асарларга қаратиш лозим.

Беллашув ташкил қилинадиган жойда, албатта китоб кўргазмасини ташкил этиш лозим.

Куйида беллашувга кўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар, билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Меёр ва мурувват тушунчасини изоҳлаб беринг?

(Меёр ва мурувват – улуғ тушунча. Унинг замирида бағрикенглик, ўзаро меёр-оқибатлилик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, оила манфаатлари, ёшлар тарбияси сингари қатор фазилатлар мужассамдир).

2. Инсонпарварлик тушунчасини изоҳлаб беринг?

(Инсонпарварлик мазмунан бой ва хулқ-одоб қоидаларини мужассамлаштиради, яъни, инсонпарварлик қадрияти негизида меёр-шафқат, мурувват ва оқибат, сахийлик, саховат, диёнат, каноат, ҳиммат, адолат, сабр-тоқат, тавозе, меҳрибонлик, софдиллик, ростгўйлик, ҳамфикрлик, ҳамкорлик, фаҳм-фаросатлилик, зийраклик, ҳожатбарорлик каби ахлоқий-маънавий хусусиятлар ўз ифодасини топади).

3. Инсонийликнинг муҳим шартлари нималардан иборат?

(Инсонийликнинг муҳим шартлари – диёнатлилик, меёр-шафқатлилик, поклик ва ҳалолликни, иймон тушунчасини ўз ичига олади).

4. Ислом динида «Куръон» ва «Ҳадис» унинг ғояларини мужассам этган муқаддас манбалар ҳисобланади. Уларда одамларни ягона Оллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга эътиқод қилишга чорлаш билан бир қаторда, даъват этувчи ғоялар тарғиб этилган, ана шулар қайсилар?

(Ягона Оллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга эътиқод қилиш, чорлаш билан бир қаторда, ҳурлик, озодлик, тенглик, яхшилик, сахийлик, мурувват, шафқат, илмли, меҳнатсевар бўлишга даъват этувчи ғоялар тарғиб этилади).

5. «Надис»ларда савоб моҳиятини очиб берувчи фазилатлар қайсилар?

(«Надис»ларда савоб моҳиятини очиб берувчи фазилатлар: ота-она, кексаларга ҳурмат, илмли бўлиш, ҳамкорлик, дўстлик, инсонпарварлик, аёлларни қадрлаш, саховат, ростгўйлик, иффат, нонни эъзозлаш, диёнат, раҳм-шафқат, эътиқод, меҳмондўстлик, меҳроқибат, хайр-эҳсон, тозалик, покизалик, билимдонлик, вазминлик, тадбиркорлик, ҳалоллик, сабр-қаноат, ишонч, ҳиммат, бардошлилик, марҳамат, тўғрилиқ, вафо, сахийлик, садоқат, саботлилик, камтарлик, виқорлилик, салоҳият, ҳалимлик, тавозе, ҳаё, тежамкорлик, сир сақлаш ва шу қабилар жамият маънавий тараққиётини белгиловчи ахлоқий-маънавий омиллар тарзида намоён бўлади).

6. Ал-Джахиз ўзининг қайси асарида инсонларда учрайдиган хасисликни сахийликка қарама-қарши ёмон фазилат сифатида танқид қилган?

(Ал-Джахиз ўзининг «Хасислик ҳақида китоб»-ини яратиб, инсонларда учрайдиган хасисликни сахийликка қарама-қарши ёмон фазилат сифатида танқид қилган).

7. Қуйида келтирилган ҳикматлар кимнинг қаламига мансуб?

Кичкина мурувват энг латиф ва энг ёқимли бўлади, худди озгина сув энг ширин ва мазали бўлгандай.

Кимки одамлар калбларини овлайман деса, унга эҳсон ва мурувват донларини сепиши, фазл ва олижаноблик тузоқларини кўйиши керак.

(Комусий олим Абу Бакр ал-Хоразмийнинг каламига мансубдир).

8. Куйида келтирилган ҳикматлар кимнинг каламига мансубдир?

Одамгарчилик (мурувват) кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиши билан чегараланади. Мардлик эса (футувват) ундан ҳам устун бўлиб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мутаҳкамлиги, камтаринлиги туфайли танилиб, гарчи у шу мартабага, унинг аҳлидан бўлмаса ҳам олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатидан эмас, балки ҳақли равишда ҳурмат қилинади.

(Буюк комусий олим, файласуф, педагог Абу Райҳон Берунийнинг ҳикматлари).

9. Куйида келтирилган парча кимнинг каламига мансуб?

Аё дўст биликлик изин излагил,
Мабодо сўзласанг, билиб сўзлагил.
Мақтансанг сахийни топиб сўзлагил,
Бахилга каттиқ ей ўкин кўзлагил.
Барча тил саҳийнинг мақтовин айтур,
Сахийлик кишининг айбини ювур.
Сахий бўл сенга ҳеч сўкинч келмасун,
Сўкинч келар йўлни саховат тиюр.
Эгилмас кўнгилни сахий эр агар,
Етилмас муродга сахий эр етар.
Бахилликни мақтар тил борми, қани?
Сахийликни эса хос ҳам эл мақтар.
Барча молин сотди сано олди, кўр,

Тирилди кетма-кет шуҳрати билан.

Дунёда эзгу от ундан қолди, кўр.

(XII-XIII асрларда яшаган йирик шоир ва олим, туркийзабон ижодкор, атоқли сиймолардан бири Аҳмад Югнакийнинг насиҳатларидан).

10. Йирик тасаввуфий тариқат вакилларидан қайси бири ўз қўл кучи билан кун кўришни, ёқтирган, топган-тутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган?

(Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд).

11. Қуйида келтирилган манба кимнинг қаламига мансуб?

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

(Амир Темур ибратларидан намуна).

12. Қайси мутафаккир ўз даромадини хайрли ишларга сарфлаган?

(Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий даромадининг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Биргина Ҳирот шаҳрида ўзининг жамғармаси ҳисобидан қанчадан-қанча бинолар, иншоотлар барпо этган. Инжил каналининг жануб томонида катта тиббиёт ўқув юрти ва шифохона барпо эттирган, уларга таниқли табиб ва доришуносларни жалб этган. Ихлосия мадрасаси ёнида катта сарой қурдириб, ундаги меҳмонхонада камбағал бева-бечораларни текин овқат билан таъминлаган.

Мућтож кишиларга ҳар йили икки минг пўстин ва кийим-кечак тарқатган. Тарихчи Хондамир Навоий 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни қурдирганини эслатиб ўтган).

13. Қуйида келтирилган парча кимнинг қаламига мансуб?

Издар эсанг кору бор фақрмаскан бўла кўр,
Бор мискинларга чун ҳақ ҳасратинда корубор,

* * *

Айлагил доим тавозуъ яхши от издар эсанг,
Ким тавозуъ пеша қилганлар бўлубдур номдор.

* * *

Мард-и маъно ул эрур қилса тавозуъ борчаға,
Чун сарафканда бўлур шоҳеки, бўлур мевадор.
(Ўз даврининг йирик санъаткори, дунёвий адабиётнинг кўзга кўринган вакили Ҳофиз Хоразмийнинг қитъаларидан).

14. Қуйида келтирилган манба қайси муаллифнинг асаридан олинган?

Ҳар бандаи саодатмандким, оллои таоло ани салтанат саририна мушарраф қилди, ул саодатлиғ подшоҳга вожиб ва лозимдурким, ўз тафаккур тааллуки бирлан мулоҳаза қилиб билгайким, бу давлату нусратни менга ким иноят қилибтур. Ул давлатнинг шукрини билиб, онинг хизматини ва тоатини сидқу ихлос бирлан машғул бўлиб, фуқаро ва мискин ва бенаво ва мућтожлардин хабардор бўлиб аларга лутфу шафқат мақомида бўлгай.

(Машһур ўзбек шоири, мутафаккир ва амалий ахлоқ назариётчиси Пошшоҳўжа Абдулваһҳобхўжа ўғли Хожанинг «Мифтох-ул-адл» асаридан олинган).

15. Кўйидаги мисралар кимнинг қаламига мансуб?

Очук кўллик, кушода юзли бўлгил,
Мурувватлик мулойим сўзли бўлгил.
Мулойим тил билан беҳарбу безарб,
Бировни келтирурлар шарқдан ғарб,
Сучук тилдир ажиб ганжи муаззам,
Ато қилгон ҳеч бўлмағай кам...

(Ўзбек мумтоз адабиётида тасаввуф адабиёти анъаналарини изчил давом эттириб, ўзига хос мактаб яратган адиб, шоир ва мутафаккир Сўфий Оллоёрнинг қаламига мансуб).

16. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинди?

(Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонун 1991 йилда қабул қилиниб, муҳтож одамларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг миллий моделини шакллантиришга асос солинди).

17. Қайси қонунда, етим болалар ва ота-онасининг ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни; жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни; ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ўқитиш борасида таълим ҳамда васийлик органларининг бурч ва вазифалари белгилаб берилган?

(1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24 моддаларида).

18. Қуйида келтирилган манба Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси бўлими ва қайси бобида ақс эттирилган?

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи бўлими, XIV боби, 64 моддасида).

19. «Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида»ги Фармон қачон эълон қилинган?

(«Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида»ги Фармон 1992 йилнинг 28 майида эълон қилинди).

